

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЖАДИДЛАРНИНГ ЎРНИ

М.М. Мадаминов

Тошкент шаҳар 81-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси,

Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

Турон Фанлар академиясининг академиги

Аннотация: *Мазкур мақолада жадидчиликнинг вужудга келиш тарихи, бунда Россиядаги муслмон мактаблари буюк ислохатчиси Исмоил Гаспиралининг, Ўрта Осиё жадидларининг отаси деб тан олинган Маҳмудхўжа Беҳбудий хизматлари ҳақида сўз юритилади*

Калит сўзлар: *маориф, жади́дизм, ватанга муҳаббат, усули жади́д*

Аннотация: *В данной статье рассматривается история джадидизма, заслуги Исмаила Гаспирали, великого реформатора мусульманских школ в России, Махмудходжи Беҳбуди, признанного отцом среднеазиатского джадидизма.*

Ключевые слова: *образование, джадидизм, любовь к Родине, джадидский метод.*

Abstract: *This article examines the history of Jadidism, the merits of Ismail Gaspirali, the great reformer of Muslim schools in Russia, Mahmudhoja Behbudi, recognized as the father of Central Asian Jadidism.*

Key words: *education, Jadidism, love for the Motherland, Jadid method.*

Ўзбек халқининг асл фарзандлари, ўзларининг саъй-ҳаракатлари, иқтидорлари ва куч-ғайратларини халқимизнинг маънавияти, маданияти ва ҳуқуқий билимларини ошириш йўли билан, ўзлигини англашга ва шу йўл билан ривожланган жамият яратишдек ўз ғояларини амалга оширишда, мутаассиблик, лоқайдлик, қоқоқликка қарши кураш олиб борганлар.

Жадидчиликнинг вужудга келишида XX аср бошларида Россиядаги мусулмон мактаблари буюк ислохатчиси ва “Таржимон жаридаси” [1883 йилда Қримда чиқа бошлаган] ташкилотчиси Исмоил Гаспиралининг хизмати ва ўрни беқиёсдир. У Боғчасаройда энгил қироат усулига асосланган янги мактаб очиб, унда дарс берган, дарсликлар ёзган. У ўзи тузган таълим дастури асосида дарслик тайёрлади, шу дастур бўйича 40 кунда 12 та ўқувчининг саводини чиқарди. Бу усул “Усули савтия” ҳарф товуши усули, яъни “Усули жадид” номи билан кенг тарқалган. Унинг 1888 йилда “Раҳбари муаллимин ёки муаллимларга йўлдош” китоби нашр этилган. “Жадид” сўзи араб тилидан олинган бўлиб, “янги” деган маънони англатади. Жадидлар ўша даврда Россия империяси мустамлакаси бўлган халқларни, энг аввало, маориф тизимини яхшилаб, таълим соҳасини ислох қилиш, ёшларга диний билимлар билан бирга дунёвий фанлар – араб, форс, рус тиллари, тиббиёт, кимё, физика, математика, тарих каби фанлар ўқитишни зарур деб билганлар.

Маориф: - /арабча/ инсонларнинг билими ва тафаккурини оширишга қаратилган таълим-тарбиядир.

Исмоил Гаспиралининг 1893 йилда Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлиши, маърифатпарварлик ғояларининг кейинги ривожига туртки бўлган.

Жадидларнинг асосий тамойили: - хуррият, машварат, адолат, озодлик ва тенглик бўлган жадидлар Бухоро амирлиги (ёш бухороликлар) ва Хива хонлигида (ёш хиваликлар) хон ва Амирни ўз ғоя ва маслақларига тортишга ҳаракат қилганлар. Бухоро жадидлари 1900 йилнинг бошида Амирдан янги усулдаги мактаблар очишга рухсат олганлар.

1900 йили Бухорода Жўрабой қори томонидан янги усулдаги мактаб очилган. 1904 йили Бухорода Музаффарил мактаби очилган. Аммо рус империяси амалдорларнинг талаби билан Бухородаги барча янги усул мактаблари 1913 йилда ёпиб қўйилган.

Тараққийпарвар ўзбек зиёлилари кенг халқ оммасини саводли қилиш, уларни жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб мактаблар очдилар, театр

труппаларини ташкил қилдилар, газета ва журналлар чоп эттириб, халқимизнинг илмга чанқоқ, иқтидорли фарзандларини ўз ҳисобларидан чет элларга ўқишга юбордилар.

Биринчи бўлиб Самарқандда Хусайний 1893-йилда, 1889-йилда Салоҳиддин домла Қўқонда, 1899-йили Мунавварқори Тошкентда ва бошқа шаҳарларда мактаблар очилди.

Ўша даврда Туркистон ўлкасида миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақаларини – хунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди.

Туркистон жадиждларини бирлаштиришда Ўрта Осиё жадиждларининг отаси деб тан олинган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг хизмати катта бўлган .

Туркистон жадиждлари эришган ютуқлари орасида энг салмоқлиси ҳукмрон мафкурадан мустақил бўлган халқ таълими тизимининг яратилиши ҳамда миллий матбуотга ва театрга асос солиниши бўлган.

Жадиждларнинг асосий ғоя ва мақсадлари:

- Туркистонни феодал қолоқлик, хурофотлардан озод қилиб, халқимизнинг саводини чиқариш йўли билан ўзлигини англатиш, миллий истиқлолчилик ғояларини шакллантиришда,
- Ўз конституцияси, парламенти, идора усулидаги озод ва фаровон жамият яшайдиган миллий мустақил давлатни бунёд этишдан иборат бўлган.

Халқимизнинг орзу-умидлари, жадиждларнинг ғоялари 1991 йили 31 августдагина тўлалигича амалга ошди.

Ҳозирги кунда ҳар биримизнинг олдимизга турган асосий вазифалардан бири – жадиждлар ҳаракатидан ўрнак олган ҳолда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, Ватанимизни обод, халқимизни фаровон турмуш кечиришга, янги Ўзбекистон тарихини яратилишига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборатдир.

“Мен мустақиллик тарафдориман” деган гапнинг ўзи энди етарли эмас. Ва умуман тарафдорликни ўзи ҳам мустақиллик учун курашувчанликни англамайди. Бу тарафдорлик эмас. Қолаверса, **мустақиллик** сўзи юксак

қадрият сифатида суистеъмол қилиниши ҳам мумкин. Ундан ташқари, мустақилликни биз барчамиз оғизда эмас, амалда мустаҳкамлашимиз лозим.

Мустақиллик оғизда бор, мустақиллик кўнгилда бор, амалда бор. Мустақиллик фақат ва фақат кўнгил ҳамда амалда уйғун бўлгандагина мустаҳкамланиши мумкин.

Халқимизнинг маданияти ва маънавияти юксалишида, унинг мустақиллик учун курашининг ривожланишида жадидларнинг ўрни беқиёсдир. Инсон азал-азалдан агрессия, йўқ қилиш, вайронагарликка мойил эмас, зеро, яхшилик, яратувчанлик, умуминсоний қадриятларни ҳурматлаш бизнинг қонимизда бор. Фақат ана шу ҳақиқатни англаб етишгина мустақиллик, Ватанни севиш каби муқаддас туйғуларнинг моҳиятини тушунтира олади. Акс ҳолда, янгилана олмаймиз. Бой, кўхна Ўзбек миллий тафаккурининг асл мақсади ҳам шунда: - ёмон одамни яхши одамга, яхши одамни эса гўзал инсонга айлантириш, маънавиятни бошланғич нуқтаси ҳам, мавжудлик моҳияти ҳам шунда. Шундагина инсон комилликка эришади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. O‘zbekistonning yangi tarixi birinchi kitob 1qism Sodiqov, R.Shamsiddinov, R.Ravshanov, K.Usmonov; (Sharq) nashriyoti Toshkent 2000-yil
2. Soyibjon Tillaboyev, Akbar Zamonov O‘zbekiston tarixi XIXasrning ikkinchi yarmi XXasr boshlarida (SHarq) nashriyoti Toshkent 2019-yil
3. M.M.Madaminov “O‘zbekiston tarixi” fanidan o‘quv qo‘llanma 4 nashr “ilm-ziyo zakovat” 2022-yil
4. A.Mavrulov, M.Dehqonov “Madaniyat tarixi” “O‘qtuvchi” nashriyoti 2007-yil